

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

ҚУРБОНОВ АБДУҚОДИР КЕНЖАЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА
ФИБРОЗ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УНДА ДАВОЛАШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич

Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида
фиброз жараёнларининг тутган ўрни ва унда даволашни
мувофиқлаштириш 3

Қурбонов Абдуқодир Кенжаевич

Роль фиброзных процессов при хронической
сердечной недостаточности
и оптимизации её лечения 22

Qurbonov Abdukodir Kenjaevich

The role of fibrotic processes in the
development of chronic heart failure
and optimization of its therapy 42

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 46

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tib338 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гадаев Абдиғаффор Гадаевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тулабоева Гавхар Миракбаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Кенжаев Мажид Латипович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.26.04.2018. Tib.64.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел./Факс: (+99871) 2373157, e-mail: Info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий – амалий тиббиёт марказининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100052, Тошкент, Мирзо-Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4 уй. Тел/факс: (+99871) 2373157.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.А.Хамидуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Б.Шек

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Tib.64.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

ҚУРБОНОВ АБДУҚОДИР КЕНЖАЕВИЧ

**СУРУНКАЛИ ЮРАК ЕТИШМОВЧИЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА
ФИБРОЗ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА УНДА ДАВОЛАШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА (PhD) ФАЛСАФА ДОКТОРИ
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2018

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сурункали юрак етишмовчилиги (СЮЕ) hozirgi kunda nafoqat tibbiy baliki ijtimoiy muammolardan biri b'lib, jahon aholisi orasida ulim va nogironlikning etakchi sabablariidan biri hisoblanadi. «Rivojlangan mamlatlarda СЮЕга чалинган беморлар умумий аҳолининг 1 - 3% ни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ёш ўзгаришига қараб кўпайиб, популяцияда аҳоли ўртача умр кўриши давомийлигининг ошиши билан боғлиқ равишда 70 ёшдан юқоридагиларда 20% гача етиб боради¹». СЮЕнинг патогенези ва кечишини ўрганишга оид ўтказилган тадқиқотларда эришилган ютуқлар ҳамда даволашда самараси исботланган дори воситаларини амалиётда кенг қўлланилишига қарамасдан, у юрак қон - томир тизими касалликларининг энг кўп тарқалган, авж олиб борувчи ва нохуш оқибатлар билан тугайдиган асорати сифатида тиббиётнинг асосий муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса ўз навбатида СЮЕни эрта ташхислаш, самарали даволаш ва унинг олдини олиш зарурлигини тақозо қилади.

Жаҳонда сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида фиброз жараёнларининг ўрни ва унда даволашни мувофиқлаштиришни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада СЮЕни клиник белгилари яққол номоён бўлгунга қадар организмдаги нейрогуморал омиллар мувозанати бузилиши ҳамда касалликнинг оғирлик даражасини белгиловчи миокарднинг систолик ва диастолик дисфункциясини эрта аниқлаш, даволашда муқобиллаштирилган усулларни ишлаб чиқиш йўналишидаги тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, СЮЕнинг кам ўрганилган диастолик фенотипи патогенези асосида ётувчи фиброз жараёнлари ва нейрогуморал омилларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва касалликнинг оғирлашишига олиб келувчи фибропролефератив жараёнларни камайтириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш мазкур муаммога оид илмий тадқиқотларнинг долзарб йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида аҳолига сифатли tibbiy хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, жумладан юрак қон томир касалликларини эрта аниқлаш, мувофиқлаштирилган даволаш ва асоратларни камайтириш борасида манзилли чора - тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунга қарамасдан, СЮЕнинг фенотипларини дифференциал ташхислаш, самарали ва сифатли даволашга йўналтирилган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юрак қон томир тизими касалликлари мавжуд беморларда tibbiy ва ijtimoiy-tibbiy хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини

¹ Агеев Ф. Т. Современная концепция диастолической сердечной недостаточности // Кардиоваскулярная терапия и Профилактика. – 2010. – Том 9, №7. – С. 96-104.

мустахкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустахкамлаш²» вазифаси белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда СЮЕнинг диастолик фенотипи ривожланишида фиброз жараёнлари юзага келиш механизмларини аниқлаш ва патогенетик омиллар фаоллигини пасайтиришга қаратилган самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги ПҚ – 3052 - сон «Соғлиқни сақлаш тизими фаолиятини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ - 3071 - сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017 - 2021 йилларда ихтисослаш - тирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий - ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қатор мамлакатларда ўтказилган кўп сонли тадқиқотлар ва СЮЕни ташхислаш ҳамда даволашда эришилган ютуқларга қарамасдан, касалликни авж олиб бориши ва нохуш асоратлари ривожланишига сабаб бўлувчи омилларни аниқлаш ва шу асосда мувофиқлаштирилган даволашни танлаш, ушбу беморларни умрини узайтиришга қаратилган ёндашувлар тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб қолмоқда (Мареев В. Ю., 2013). СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотиплари патофизиологияси, ҳар иккала фенотиплардаги юрак ремоделланиши фарқини ўрганиш бўйича қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу чет эл адабиётларида кенг ёритилмоқда (Borlaug, B.A. et al. 2011, Van Heerebeek L. et al. 2012, Gupta A. et al. 2014, Ponikowski P. et al. 2016). Ўтказилган тадқиқотларда қон зардобдаги фиброз маркерлари - матрикс металлопротеиназа-1 (ММП-1) ва матрикс металлопротеиназа - 1 нинг тўқима ингибитори (ММПТИ-1) юрак қон томир касалликларида бириктирувчи тўқиманинг шикастланиши ва фиброз жараёнларини ривожланишида муҳим ўрин тутиши аниқланиб, уларни коллаген тизими шикастланишини ифодаловчи биологик маркер ва дори воситаларини таъсири учун “терапевтик нишон” сифатида амалиётда фойдаланиш мумкинлиги тавсия этилган (Соломахина Н.И.,2010; Беленков Ю.Н., 2013). Хаммуаллифлар (Berk B.C. ва Fujiwara K., 2007) фикрича, ММП -1 ва

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил.

ММПТИ-1 миқдорий кўрсаткичлари ҳамда уларнинг ўзаро нисбатини кескин бузилиши СЮЕнинг авж олиши, нохуш асоратлар жумладан, тўсатдан ўлим ривожланиши хавфидан дарак беради.

Тадқиқотларда исботланишича, альфа – ўсма некроз омили (α – ЎНО), интерлейкин (IL) - 1, - 6 кардиомиоцитлар апоптозини ҳамда ММПТИ-1 экскрециясини кучайтириб, юрак ремоделланишига сабаб бўлади (Li Y Y., 2010).

СЮЕни даволашда нейрогуморал модуляторлар [ангиотензинни айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) ёки ангиотензин (АТ) II АТ₁ рецепторлари антогонистлари (АРА), β - адреноблокаторлар (β -АБ), минералокортикоид рецепторлари антогонисти (МКРА)] ни қўлланилиши бўйича ўтказилган йирик рандомизирланган тадқиқотлар хулосасига кўра, касаллик оқибатида юзага келадиган асоратларни фақат 30 – 35 % га камайтирган. Бироқ биз ўрганган тадқиқотларда, АРА ва МКРА ни СЮЕнинг сўнгги нуқталарига таъсири аниқланган бўлиб, касалликнинг авж олиб бориши ва нохуш асоратлари юзага келишида муҳим ўрин тутган фиброз жараёнларига таъсири баҳоланмаган.

Ўтказилган илмий тадқиқотлар ва мавжуд адабиётлар тахлиliga кўра, Республикамизда СЮЕ фенотиплари шаклланишида фиброз жараёнлари ва нейрогуморал омилларни ўзаро ҳамжиҳатликдаги таъсирини тахлил қилиш, унинг диастолик фенотипини муқобиллаштирилган даво усуллари ишлаб чиқилишига қаратилган кенг миқёсдаги тадқиқотларни ўтказиш зарурияти етилиб келганлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин. Бу эса ўз навбатида, муаммо устида тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий - тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, “Ички касалликлар ташхисоти, профилактикаси ва даволашни такомиллаштиришнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ” (2015 - 2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида фиброз жараёнларининг тутган ўрнини аниқлаш ҳамда даволашни такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

систолик ва диастолик СЮЕнинг турли функционал синфларида юракда ривожланган фиброз жараёни маркерларини аниқлаш ва уларни патогенетик аҳамиятини қиёсий баҳолаш;

СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотиплари турли функционал синфларида юракда ривожланган фиброз жараёнлари билан нейрогуморал омиллар орасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш;

сурункали юрак етишмовчилиги мавжуд беморлар қон зардобидаги альдостерон миқдорини аниқлаш ва уни систолик ҳамда диастолик сурункали юрак етишмовчилигининг кечишига таъсирини тахлил қилиш;

систолик ва диастолик СЮЕнинг турли функционал синфларида α -

ЎНО, ИЛ-1 ва ИЛ-6 ни нейрогуморал омиллар билан ўзаро боғлиқлигини тахлил қилиш;

систолик ва диастолик СЮЕни даволашда телмисартан ва эплеренонни биргаликда қўлланилишида беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсирини таққослама баҳолаш;

диастолик СЮЕни муқобиллаштирилган давосига оид тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юрак ишемик касаллиги ва гипертония касаллиги негизида ривожланган СЮЕнинг II ҳамда III функционал синфидаги 95 нафар бемор ва 20 нафар соғлом кўнгилли шахслар олинди.

Тадқиқотнинг предмети веноз қондаги – фиброз маркерлари – ММП-1, ММПТИ-1, нейрогуморал омиллар – альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО, ЭХОКГ кўрсаткичлари натижаси ташкил этди.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотларини олиб боришда клиник, биохимик, иммунофермент, ультратовуш, электро - ва эхокардиографик ҳамда статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диастолик сурункали юрак етишмовчилигининг юқори функционал синфларида миокардда фиброз жараёнлари яққол ривожланганлигини ифодаловчи маркерлардан ММП-1ни камайиши ва ММПТИ-1ни кескин ошиши исботланган;

ММПТИ-1ни нейрогуморал омиллар - альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α – ЎНО билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги СЮЕнинг оғирлик даражасига ҳамоҳанг юқори бўлиши ва уларни юрак ремоделланишига салбий таъсири асосланган;

СЮЕда телмисартан ва эплеренонни биргаликда қўлланилиши натижасида миокардда фиброз жараёнлари камайганлигини англатувчи маркерлардан ММП-1 кўрсаткичини ишончли ортиши, ММПТИ-1, альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО миқдорларини эса ишончли пасайиши исботланган;

СЮЕда даволашни мувофиқлаштириш натижасида миокардиал фиброз жараёнлари жадаллигини пасайиши, юрак ремоделланиши регрессияси, беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

сурункали юрак етишмовчилигининг систолик ва диастолик фенотипларида миокардиал фиброз маркерлари – ММП-1, ММПТИ-1, ММП-1/ММПТИ-1 нисбати, альдостерон, яллиғланиш олди цитокинлари - ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО миқдорий кўрсаткичларини аниқлаб борилиши касалликнинг ноҳуш оқибатлари юзага келишини олдини олишда, мувофиқлаштирилган патогенетик даво буюрилишида алоҳида аҳамият касб этиши исботланган;

диастолик сурункали юрак етишмовчилигининг II - III ФСда ММПТИ-1 миқдорий кўрсаткичларини юқорилиги аниқланганда даволашда кунига

телмисартан 80 - 160 мг (2 махал) ва эплеренон 50 мг дан биргаликда қўлланилиши натижасида юракнинг патологик ремоделланиши регрессияси, трансмитрал қон оқими (ТМҚО) кўрсаткичларининг ижобий ўзгариши, беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати яхшиланиши ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошиши исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, иммунофермент, ультратовуш, электро - ва эхокардиографик ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. СЮЕ ривожланишида фиброз жараёнларининг ўрни ва унда даволашни яхшилашга қаратилган профилактик тадбирлар изоҳлашда турли усуллар қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти сурункали юрак етишмовчилигида қон зардобидаги фиброз маркерлари – ММП-1 ва ММПТИ-1, нейрогуморал омиллар, жумладан альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6 ва α -ЎНОни аниқланиши касалликнинг кечиши ва авж олиб боришида муҳим ўрин тутган фиброз жараёнлари тўғрисида бошқа ноинвазив усуллардан кўра аниқ маълумот бериши ҳамда уларни динамикасини аниқлаб борилиши буюрилган патогенетик даво самарасини баҳолаш имкониятини яратиши, СЮЕнинг ҳар иккала фенотипини даволашда АРА ва МКРАни биргаликда қўлланилиши ижобий гемодинамик ва нейрогуморал самара бериши, касаллик авж олиб кетишини секинлаштириши, телмисартан ва эплеренонни таъсири натижасида кўпроқ диастолик сурункали юрак етишмовчилигида юрак ремоделлашиши регрессияси ва чап қоринча (ЧҚ) диастолик фаолиятини яхшиланиши билан номоён бўлди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар асосида шаклланган амалий тавсияларни амалиётга тадбиқ этилиши СЮЕнинг авж олишини секинлаштиришга ва касаллик оқибатида юзага келиши мумкин бўлган нохуш асоратларни олдини олишга ва даволашни муқобиллаштиришга олиб келиши билан ифодаланди. Бу натижалардан шифохонага қайта ётиш ва содир бўлиши мумкин бўлган ўлим ҳолатларини олдини олиш, шунингдек беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ва жисмоний юкламаларга чидамлилигини ошишига, ўртача умр кўришини ўзайишига эришиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида фиброз жараёнларининг ўрни ва унда даволашни мувофиқлаштириш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Сурункали юрак етишмовчилигини патогенетик даволашда фиброз маркерлари ва гемодинамик кўрсаткичлар динамикасини баҳолаш» услубий

тавсияномаси тасдиқланди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 6 апрелдаги 8 н-д/76 сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома СЮЕда коллаген алмашинуви бузилишини ифода этувчи фиброз маркерларини аниқлаш йўли билан унинг систолик ва диастолик фенотипларида бир биридан фарқ қилувчи ривожланган фиброз жараёнларини замонавий ташхислаш, ушбу маркерларнинг миқдорий кўрсаткичлари динамикасини аниқлаб борилиши касаллик кечиши ҳамда даволаш жараёнини мониторинг қилиш имкониятини берган;

сурункали юрак етишмовчилигининг систолик ва диастолик фенотиплари ривожланишида фиброз жараёнларининг патогенетик аҳамияти турличалиги аниқланган бўлиб, даволашда антифибротик таъсир кўрсатувчи дори воситаларини биргаликда қўлланилиши ҳисобига касалликнинг диастолик фенотипи давосини муқобиллаштириш, беморлар умрини ўзайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижаларни соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси 3-клиникаси кардиология, кардиореанимация ва кардиореабилитация бўлимлари, 2-сонли Республика клиник шифохонасининг клиник амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 23 майдаги 8 н - д / 98 сонли маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар сурункали юрак етишмовчилигининг муқобиллаштирилган даво самарадорлигини ошириш, касаллик фенотиплари юзага келиши ва авж олишига фиброз жараёнлари таъсирини камайтириш, беморларнинг клиник ҳолати ҳамда ҳаёт сифатини яхшилаш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа фанлари доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишнинг апробацияси натижалари,

эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишига замонавий қарашлар”** деб номланган биринчи бобида адабиётлар шархи келтирилган. Бунда СЮЕ ривожланиши ва авж олиб боришининг энг муҳим патогенетик бўғинлари, асосий текшириш ва даволаш тадбирлари, жумладан СЮЕ мавжуд беморларда нейрогуморал омилларнинг фаоллашиши натижасида касалликнинг систолик ва диастолик фенотиплари ривожланиши, уларда фиброз жараёнлари сифат ва миқдор жиҳатдан турличалиги ёритилган бўлиб, изчил изланишни талаб қилувчи саволлар жамланмаси белгиланган, ишнинг долзарблиги ва танланган мавзунини ишлаб чиқиш муҳимлигини асослаб берган.

Диссертациянинг **“Беморларнинг клиник тавсифи ва қўлланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида объект, предметлар ва тадқиқот усуллари, ҳамда қўлланилган статистик усуллар келтирилган.

Тадқиқотга 95 нафар СЮЕ ташхиси қўйилган беморлар ва 20 нафар юрак касаллиги бўлмаган кўнгилли соғлом шахслар жалб қилинди. СЮЕ ташхиси уларнинг шикоятлари, анамнези, объектив кўрик ва лаборатор - асбобий текширувлар асосида Стражеско - Василенко таснифи ҳамда унинг функционал синф (ФС) лари Нью - Йорк кардиологлар уюшмаси (New - York Heart Association, 1964) мезонлари ва олти дақиқалик юриш синамаси орқали аниқланди.

Барча беморлар клиник - гемодинамик ҳолати ва ЭХОКГ текширув натижаларига кўра, 2 гуруҳга бўлинган бўлиб, I - гуруҳни 47 нафар (24 нафар – СЮЕ II ФС, ўртача $64,5 \pm 1,43$ ёш, 13 эркак ва 11 аёл; 23 нафар – СЮЕ III ФС, ўртача $63,5 \pm 1,7$ ёш, 15 эркак ва 8 аёл) чап қоринча қон отиш фракцияси (ЧҚҚОФ) пасайган (систолик СЮЕ, ЧҚҚОФ < 40%) беморлар, II - гуруҳни 48 нафар (25 нафар – СЮЕ II ФС, ўртача $64,5 \pm 1,2$ ёш, 10 эркак ва 15 аёл; 23 нафар – СЮЕ III ФС, ўртача $64 \pm 1,3$ ёш, 13 эркак ва 10 аёл) ЧҚ ҚОФ сақланган (диастолик СЮЕ, ЧҚ ҚОФ > 50%) СЮЕ мавжуд беморлар ташкил этди. Хар иккала гуруҳдаги беморларда СЮЕ ривожланишига барча ҳолатларда юрак ишемик касаллиги ва унга ҳамроҳ гипертония касаллиги сабаб бўлди. Беморларнинг I – гуруҳида 6 ой олдин миокард инфаркти ўтказганлар сони 19 нафар (40,4%) ни, аорта коронар шунтлаш амалиёти ўтказганлар - 5 нафар (10,6 %) ни, ритм бузилиши қайд этилган беморлар сони 12 нафар (25,5 %) ни ташкил этди. Шунингдек кузатувдагиларда каморбид ҳолатлар ҳам, яъни семизлик - 13 (27,6%), камқонлик - 4 (8,5%) нафарида аниқланди. II - гуруҳдаги беморларда 6 ой олдин миокард инфаркти ўтказганлар сони 17 нафар (36,1%) ни, ритм бузилиши қайд этилган беморлар сони – 10 нафар (21,3%) ни ташкил этди. Ушбу гуруҳдаги беморларнинг 17 (36,1%) нафарида ёндош касалликлар сифатида семизлик аниқланди.

Тадқиқотга жалб этилган беморларга 6 ой давомида Европа кардиологлар уюшмаси тавсияси (2013) га асосан стандарт даво (ААФИ ёки АРА, β – блокаторлар, МКРА) дан СЮЕнинг ривожланиб боришини олдини

олиш ва фиброз жараёнларини камайтириши мумкин бўлган АРА вакили тельмисартан ва МКРА вакили – эплеренон биргаликда қўлланилди. Бунда I – гуруҳдаги беморларга телмисартан кунига 80 мг дан (2 маҳал), II – гуруҳдаги беморларга эса кунига 80 мг дан буюрилиб, улар томонидан дори воситаси қабулини маъқуллигига кўра, кунига 160 мг гача кўтарилди (препаратнинг ўртача дозаси $124,3 \pm 25,6$ мг). Хар иккала гуруҳдаги беморлар эплеренонни кунига 25 – 50 мг (препаратнинг ўртача дозаси $37,4 \pm 5,7$) дан қабул қилди.

Кузатувдаги барча беморларда даволаш бошланишидан олдин ва 6 ойдан сўнг умумклиник, биокимёвий ва иммунофермент тахлиллар – қон зардобдаги ММП-1, ММПТИ-1, альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО ва асбобий текширувлар - ЭКГ, эхокардиография (ЭХОКГ) текширувлари ўтказилиб, беморларнинг клиник ҳолати (Мареєв В.Ю. модификацияси, 2000), ҳаёт сифати (Миннесот сўровномаси, Т. Rector, J. Cohn, 1985), жисмоний юкламаларга чидамлилиги (олти дақиқалик юриш синамаси) баҳоланди.

Иммунофермент тахлилларнинг барчаси Республика Иммунология илмий маркази иммунопатология лабораториясида ўтказилди.

Қон зардобдаги фиброз маркерлари: ММП-1 “AbFrontier human MMP-1 ELISA” (Жанубий Корея) реагентларидан фойдаланилган ҳолатда “сэндвич” иммунофермент тахлили ёрдамида, ММПТИ-1 “Human TIMP-1 ELISA” (Австрия) реагентларидан фойдаланилган ҳолатда қаттиқ фазали иммунофермент тахлили ёрдамида аниқланди. Альдостерон “DBC Aldosterone ELISA” (Канада) реагентларидан фойдаланилган ҳолда иммунофермент тахлили ёрдамида аниқланди. Қон зардобдаги яллиғланиш олди цитокинлари: ИЛ-1, ИЛ-6 ва α -ЎНО нинг миқдорий кўрсаткичлари “eBioscience (Bender Med Systems)” реагентларидан фойдаланилган ҳолда қаттиқ фазали иммунофермент текшируви ёрдамида аниқланди.


ЭхоКГ текшируви трансоракал услубида Toshiba SSH-YO (60) А ускунасида (Япония), 3,5 Мгц ли датчикда амалга оширилди. Унда юракнинг структур тузилиши аниқ номоён бўлишини таъминлаш мақсадида беморнинг турли ҳолатида, М ва В тартибларда Америка эхокардиография уюшмаси (ASE, 2015) тавсияларига мувофиқ ўтказилди. Текширишда куйидаги кўрсаткичлар аниқланди: ЧҚ нинг сўнгги диастолик ва сўнгги систолик ўлчови (СДУ ва ССУ), сўнгги диастолик ва сўнгги систолик ҳажми (СДХ ва ССХ), ЧҚ орқа девори қалинлиги (ЧҚОДҚ) ва қоринчалараро тўсик қалинлиги (ҚАТҚ), чап бўлмача ўлчови, Simpson усули ёрдамида ЧҚ қон отиш фракцияси (ҚОФ), зарб ҳажми (ЗХ) - СДХ ва ССХ орасидаги фарқ, R. В. Devereux формуласи ёрдамида ЧҚ миокарди вазни (ЧҚМВ) ҳисоблаб чиқилди: $ЧҚМВ = 0,8 (1,04 (СДУ + ЧҚОДҚ + ҚАТҚ)^3 - СДУ^3) + 0,6$ г. Чап қоринча миокарди вазни индекси (ЧҚМВИ) – ЧҚМВ нинг тана сатҳига нисбати асосида ҳисобланди: $ЧҚМВИ = ЧҚМВ / \text{Стана, г/м}^2$. ЧҚ миокардининг ремоделланиши унинг девори нисбий қалинлиги (ЧҚДНҚ) асосида аниқланди. $ЧҚДНҚ = ҚАТҚ + ЧҚОДҚ / СДУ$. Миокард тузилмавий геометрик

ремоделланиши (А. Ganau.,1992) қуйидагича фарқланди: ЧҚ меёрий геометрияси ЧҚМВИ=N, ЧҚДНҚ<0,42; концентрик гипертрофия ЧҚМВИ>N, ЧҚДНҚ>0,42; концентрик ремоделланиш ЧҚМВИ =N, ЧҚДНҚ >0,42; экцентрик гипертрофия ЧҚМВИ >N, ЧҚДНҚ <0,42.


ЧҚ диастолик дифункцияси доплер эхокардиография текшируви ёрдамида ўпка веналари орқали ТМҚО кўрсаткичларини аниқлаш орқали ташхисланди. ТМҚО ни баҳолашда ЧҚ ни эрта (Е) ва сўнгги диастолик тўлиши (А), уларнинг муносабати (Е/А), ЧҚ нинг изоволюмик бўшашиши (IVRT), ЧҚ нинг эрта диастолик тулишининг секинлашиш вақти (DT) аниқланди. ЧҚ диастолик дисфункцияси 3 типда баҳоланди: I тип – ЧҚ бўшашини секинлашиши, II тип – псевдонормаллашиш ва III тип - рестриктив. Бунда I тип - $E/A \leq 1$, $IVRT > 110$ мс ва $DT > 240$ мс; III тип - $E/A > 1,6$, $IVRT < 70$ мс ва $DT < 150$ мс (Nagueh SF., 2009).

Тадқиқотда олинган маълумотларга статистик ишлов беришда MS Excel (2010) пакетли компьютер дастуридан фойдаланилди. Барча жадвалларда келтирилган кўрсаткичларнинг ўртача арифметик ва стандарт оғишлари ($M \pm m$) ҳисобланилди. Гуруҳлар ўртасидаги тафовутлар ишончилиги Студент мезонларини тоқ ва жуфт фарқларини қўллаш орқали аниқланди. Корреляцион таҳлил Пирсон корреляцион коэффицентини қўллаш ва унинг аҳамиятини ишончилик жадваллари асосида аниқлаш орқали ўтказилди.

Диссертациянинг **“Систолик ва диастолик сурункали юрак етишмовчилигида фиброз жараёнлари ҳамда нейрогуморал омилларнинг тутган ўрни ва унинг коррекция усуллари”** деб номланган учинчи бобида СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотипларида фиброз маркерларини альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО билан ўзаро боғлиқлиги, уларни юрак ремоделланиши, марказий гемодинамика ва беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилигига таъсири аниқланиб, олти ой давомида даволаш негизида ушбу кўрсаткичлар динамикаси баҳоланди. Ўтказилган тадқиқотга кўра, СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотипларида даволашдан олдин фиброз жараёнларини ифодаловчи биологик маркерлар мувозанати ўзгарганлиги, нейрогуморал омиллар фаоллиги эса СЮЕнинг ФС ошиб боришига ҳамоҳанг равишда ўта ошганлиги аниқланди (1-, 2- расм).




Б




1-расм (А,Б). Систолик (С СЮЕ) ва диастолик (Д СЮЕ) мавжуд беморларнинг қон зардобидаги нейрогуморал омилларнинг даволашдан олдинги кўрсаткичлари (n=95)

В



Г



2-расм (В,Г). Систолик (С СЮЕ) ва диастолик (Д СЮЕ) мавжуд беморларнинг қон зардобидаги нейрогуморал омилларнинг даволашдан кейинги кўрсаткичлари (n=95)

Даволашдан олдин I – гуруҳдаги систолик СЮЕ мавжуд беморларда ММП-1 миқдори II - III ФСда мос равишда 12,5 - 15,6 нг/мл (референс кўрсаткичнинг пастки чегараси даражаси) ни, ММПТИ-1 миқдори эса 402,0 - 503,9 нг/мл ни ташкил этиб, референс кўрсаткичдан 4,6 - 5,8 баробар юқорилиги аниқланди ($P<0,001$). II - гуруҳдаги диастолик СЮЕ мавжуд беморларнинг II - III ФСда қон зардобидаги ММП -1 миқдори мос равишда

19,23±0,72 - 15,92±1,93 нг/мл (референс кўрсаткич даражасида) ни ($P>0,05$), ММПТИ-1 миқдори эса мос равишда 662,2±13,78 - 852,98±17,31 нг/мл ни ташкил этиб, референс кўрсаткичдан 7,6 - 9,8 баробар юқорилиги аниқланди ($P<0,001$). Ўтказилган қатор тадқиқотларда тўқималарда фиброз жараёнларини кўпайиши ММП-1 ни камайиши ва ММПТИ-1ни ошиши билан ифодаланган бўлса, коллагенлар парчаланисида эса унинг акси кузатилган. Биз кузатган беморларда ҳам ортиқча коллагенларни парчаловчи ММП-1ни референс кўрсаткичнинг пастки чегарасидалиги, ММП-1 фаоллигини қамаллаш ҳисобига миокардда фиброз жараёнлари жадаллигини ифодаловчи ММПТИ-1ни юқори фаоллиги аниқланди. Бунда ММПТИ-1 кўрсаткичи диастолик СЮЕ мавжуд беморларда систолик СЮЕ мавжуд беморларга қараганда 64 – 69 %га юқорилиги, диастолик СЮЕда фиброз жараёнлари яққолроқ ривожланганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда СЮЕнинг ФСлари ошиб бориши билан қон зардобидаги ММПТИ-1нинг миқдорий кўрсаткичини ҳамоҳанг равишда юқори, ММП-1ни эса референс кўрсаткичларнинг пастки чегарасида бўлиши касалликнинг авж олиши ва нохуш асоратлар ривожланиши хавфини акс эттиради. Олти ой давомида даволаш негизида ММПТИ-1 миқдори систолик СЮЕда 10 - 13% га, диастолик СЮЕда 20 – 27 %га ишонарли камайди, ортиқча коллагенларни парчаловчи ММП -1 миқдори эса систолик СЮЕда 47 - 50%га, диастолик СЮЕда 28 – 68 %га дастлабки кўрсаткичга қараганда статистик аҳамиятга эга даражада ошганлиги аниқланди ($p<0,05$), бу эса миокарддаги фиброз жараёнлари реверсияси ва нохуш асоратлар хавфи камайганлигидан далолат беради.

Даволашдан олдин қон зардобидаги альдостерон миқдори I - гуруҳнинг II ФС да 483,5±54,4 нг/мл га тенг бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичига нисбатан 8,7 баробарга ошган. СЮЕнинг клиник белгилари яққол ривожланган III ФСда эса альдостероннинг миқдори 510,94±20,8 нг/мл га тенг бўлиб, II ФСдаги беморлардаги кўрсаткичдан 5,7 % га, назорат гуруҳи кўрсаткичларидан эса 9,2 баробар юқорилиги аниқланди ($P<0,05$). Унинг миқдори II – гуруҳ II ФСда 522,3 ± 36,7нг/мл га тенг бўлиб, назорат гуруҳи кўрсаткичидан 9,4 баробар юқорилиги, СЮЕнинг клиник белгилари яққол ривожланган III ФСда 597,6±20,1нг/мл га тенг бўлиб, II ФСдаги кўрсаткичга қараганда 14 % га, назорат гуруҳи кўрсаткичидан эса 10,7 баробарга юқорилиги аниқланди ($P<0,05$). Даво негизида беморларнинг қон зардобидаги альдостерон миқдори референс кўрсаткич (55,4 [42 ; 124,6]) га нисбатан систолик СЮЕ мавжуд беморларда 7 - 9,3 % га, диастолик СЮЕда эса 6,3 – 9,1% га ишонарли камайди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, хар иккала гуруҳда ҳам қон зардобидаги альдостерон миқдори юқорилиги, уни СЮЕнинг ФС ошишига ҳамоҳанглиги, бу эса диастолик СЮЕда яққол кўзга ташланиб, фиброз жараёнлари жадаллигини англатди.

Қон зардобидаги яллиғланиш олди цитокинлари миқдорий кўрсаткичлари ҳам даволашдан олдин хар иккала гуруҳда СЮЕ ФС ошиши билан ҳамоҳанг эканлиги номоён бўлди: I-гуруҳ II - III ФСда ИЛ - 1 мос

равишда $18,2 \pm 1,3 - 22,9 \pm 0,8$ нг/мл ($P < 0,01$), ИЛ - 6 мос raviшда $19,5 \pm 0,5 - 25,4 \pm 0,6$ нг/мл ($P < 0,001$), α - ЎНО мос raviшда $13,5 \pm 0,6 - 20,3 \pm 0,7$ нг/мл ($P < 0,001$) га oшганлиги аниқланди. II-гурух II - III ФСда ИЛ-1 мос raviшда $16,1 \pm 1,47 - 20,1 \pm 1,1$ нг/мл ($P < 0,05$), ИЛ – 6 мос raviшда $17,8 \pm 0,61 - 21,7 \pm 0,9$ нг/мл ($P < 0,001$), α - ЎНО мос raviшда $11,4 \pm 0,76 - 18,2 \pm 0,4$ нг/мл ($P < 0,001$) га ишонарли oшганлиги кузатилди. Даво негизда беморларнинг қон зардобидаги ИЛ-1, ИЛ-6, α -ЎНО миқдори систолик СЮЕда 1,7-1,9 баробарга, диастолик СЮЕда 1,5 – 2,0 баробарга ишонарли камайди ($p < 0,05$). Телмисартан ва эплеренонни бундай плейотроп таъсири СЮЕ мавжуд беморларда даво негизда яллиғланиш олди цитокинлари синтезини рағбатлантирувчи АТ II ва альдостерон миқдорини камайиши, эндотелин-1 ишлаб чиқарилишини ошиши, цитокинлар синтезида иштирок этувчи преадипоцитлар етилишига тўсқинлик қилиниши билан тушунтирилиши мумкин.

1-жадвал

Сурункали юрак етишмовчилигининг систолик ва диастолик фенотипларида ММПТИ-1 ни нейрогуморал омиллар билан ўзаро корреляцион боғлиқлиги

Кўрсаткичлар	I гуруҳ (систолик СЮЕ)		II гуруҳ (диастолик СЮЕ)	
	СЮЕ ФС II, n=25	СЮЕ ФС III, n=25	СЮЕ ФС II, n=25	СЮЕ ФС III, n=25
ММП -1	-0,07	- 0,27	- 0,64	-0,66
Альдостерон	0,07	0,11	0,42	0,45
Интерлейкин – 1	0,48	0,51	0,52	0,57
Интерлейкин – 6	0,35	0,39	0,68	0,7
Альфа ЎНО	0,28	0,37	0,52	0,58

ММПТИ-1 I - гуруҳ (систолик СЮЕ) III ФС беморларида ММП -1 билан кучсиз манфий ($r = -0,27$), II – гуруҳ (диастолик СЮЕ) II – III ФС беморларда статистик аҳамиятга эга бўлган кучли манфий (мос raviшда, $r = -0,64; -0,66, P < 0,001$), фақат II – гуруҳ II – III ФС беморларида альдостерон кўрсаткичи билан ўртача мусбат (мос raviшда, $r = 0,42; 0,45, P < 0,01$), I - гуруҳда интерлейкин -1 ва – 6 билан ўртача мусбат (мос raviшда, $r = 0,48; 0,51, P < 0,01$ ва $r = 0,35; 0,39, P < 0,05$), II – гуруҳда кучли мусбат ($r = 0,52; 0,57, P < 0,001$ ва $r = 0,68; 0,70, P < 0,001$), альфа – ЎНО омили билан I - гуруҳда ўртача мусбат ($r = 0,37, P < 0,05$), 2 – гуруҳда эса кучли мусбат ($r = 0,52; 0,58, P < 0,001$) ишонарли корреляцион боғлиқлик аниқланди (1-жадвал).

Биз кузатган беморларда ҳар иккала гуруҳдаги СЮЕ мавжуд беморларнинг ФС юқори бўлганда коллаген алмашинувида бевосита иштирок этувчи нейрогуморал омиллар фаоллашиши ва уларнинг ўзаро ишонарли корреляцион боғлиқлиги фиброз жараёнларнинг жадаллигидан далолат

беради ва бу жараён II-гурухдаги беморлар (диастолик СЮЕ) да якқол кўзга ташланди.

Кузатувдаги беморларда ММПТИ-1ни юрак ремоделланиш кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлиги ўрганилганда, систолик СЮЕ II - III ФСда СДХ, ССХ, ҚТҚ ва ЧҚДНҚ билан (мос равишда $r = 0,41 - 0,42$, $p < 0,05$, $r = 0,40 - 0,43$, $p < 0,05$, $r = 0,34 - 0,36$, $p > 0,05$, $r = 0,32 - 0,35$, $p > 0,05$) билан мусбат, III ФСда ЧҚ ҚОФ билан ($r = - 0,42$, $p < 0,05$) манфий, ЧҚМВИ ($r = 0,41$, $p < 0,05$) ишонарли мусбат боғлиқлик аниқланди. ММП -1 II - III ФС да СДХ ва ССХ билан (мос равишда $r = 0,39 - 0,41$, $p < 0,05$, $r = 0,39 - 0,40$, $p < 0,05$) ишонарли мусбат, III ФС да ЧҚМВИ билан ($r = 0,39$, $p < 0,05$) мусбат корреляцион боғлиқлик аниқланди. ММПТИ-1 диастолик СЮЕнинг II - III ФС беморларида СДХ, ССХ, ҚТҚ, ЧҚДНҚ ва ЧҚ кечки диастолик тўлиши билан (мос равишда $r = 0,44 - 0,49$, $p < 0,05$, $r = 0,47 - 0,51$, $p < 0,001$, $r = 0,39 - 0,58$, $p < 0,001$, $r = 0,39 - 0,55$, $p < 0,001$ ва $r = 0,41$, $p < 0,05$) билан ишонарли мусбат, ЧҚ ҚОФ билан манфий ($r = - 0,40/0,48$, $p < 0,05$), ЧҚОДҚ билан III ФСда ($r = 0,43$, $p < 0,05$) мусбат боғлиқлик аниқланди. ММП -1 II - III ФСда СДХ ва ССХ билан (мос равишда $r = 0,41 - 0,44$, $p < 0,05$, $r = 0,39 - 0,43$, $p < 0,05$) ишонарли мусбат, III ФСда ЧҚМВИ, ЧҚҚОФ билан ($r = 0,39$, $p < 0,05$, $r = 0,46$, $p < 0,05$) мусбат, ЧҚДНҚ, ҚТҚ билан эса ($r = - 0,44$, $p < 0,05$, $r = 0,47$, $p < 0,05$) манфий корреляцион боғлиқлик аниқланиб, бошқа кўрсаткичлар билан ишонарли боғлиқлик аниқланмади. Тадқиқот натижаларига кўра, ММП -1 ва ММПТИ -1ни юрак ремоделланиш кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлик даражаси СЮЕ ФС ошиб боришига ҳамоҳанг равишда юқори бўлиши аниқланиб, уларни касалликни авж олиб боришида муҳим ўрин тутиши маълум бўлди.


СЮЕ мавжуд беморларда ММП-1/ММПТИ-1 нисбатини ўзгариши организмда коллаген алмашинуви бузилиши даражасини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Беморларда ушбу нисбатнинг пасайиши миокардда фиброз жараёнини якқол ривожланганлигидан далолат беради (E. Cavusoglu et al, 2006).

Бизнинг текширувимизда ММП-1/ММПТИ-1 нисбати референс кўрсаткичи 0,14 ни тенг бўлди. Бу нисбат I - гуруҳ беморларнинг II - III ФСда мос равишда, 0,031 - 0,03, II - гуруҳ беморларнинг II - III ФС да мос равишда, 0,028 - 0,017 ни ташкил этди. Бунда ушбу нисбат СЮЕнинг ФС ошган сари камайиши кузатилди ва бу диастолик СЮЕда якқол кўзга ташланди.


Кузатувдаги систолик СЮЕда юрак ремоделланиши эксцентрик тип (ЧҚМВИ $> N$, ЧҚДНҚ $< 0,42$) да бўлиб, даволаш негизида: II - III ФСдаги беморларда ЧҚ СДХ мос равишда, 194,5 мл дан 177,4 мл га; 208,5 мл дан 192,6 мл га ($p < 0,05$) ва ЧҚ ССХ мос равишда 116,9 мл дан 101,7 мл га; 131,4 мл дан 117,5 мл га ($p < 0,05$) ишонарли камайиб, ЧҚ ҚОФ мос равишда 38,4 дан 41,6 % га; 36,3 дан 39,9% га кўтарилди ($p < 0,05$). Диастолик СЮЕ мавжуд беморларнинг 40 нафарида миокарднинг концентрик гипертрофияси (ЧҚМВИ $> N$, ЧҚДНҚ $> 0,42$), 8 нафарида концентрик ремоделланиши

(ЧҚМВИ = N, ЧҚДНК > 0,42) аниқланиб, даволаш негизиди: II - III ФСдаги беморларда ЧҚ СДХ мос равишда, 168,9 мл дан 155,2 мл га; 175,4 мл дан 163,2 мл га ($p < 0,05$) ва ЧҚ ССХ мос равишда 62,8 мл дан 57,9 мл га; 64,4 мл дан 58,9 мл га ($p < 0,05$) ишонarli камайиб, ЧҚ ҚОФ мос равишда 58,4 дан 60,8 % га; 53,7 дан 58,6 % га кўтарилди ($p < 0,05$). (3-,4-расм).

ЧҚ гипертрофияси СЮЕда хавфли оқибатлар юзага келишига сабабчи омиллардан бири бўлиб, унинг регрессиясига эришиш касаллик кечишида ижобий самара беради. Кузатувдаги беморларнинг ЧҚМВИ 6 ой давомида даволаш негизиди I - гуруҳда статистик ахамиятли даражада ўзгармади, II – гуруҳда эса II ФСда 147,6±3,8 дан 141,1±3,6 га, III ФСда 153,3±3,2 дан 146,8±2,8 га ишонarli даражада камайишига эришилди. Бу эса миокарднинг қалинлашиши ва вазни ортишига нафақат унинг гипертрофияси, балки миокардда коллаген тўқимасининг миқдори ошганлиги ҳам сабаб бўлишини англатиб, даво негизиди систолик СЮЕ мавжуд беморларга қараганда диастолик СЮЕда ЧҚМВИнинг ишонarli камайиши яққол кўзга ташланганлиги миокардда фиброз жараёнлари жадаллигини камайганлигидан далолат беради.



3 – расм. Систолик СЮЕ (С СЮЕ) мавжуд беморларда юрак ремоделланиш кўрсаткичларини даво негизиди динамикаси




4 – расм. Диастолик СЮЕ (Д СЮЕ) мавжуд беморларда юрак ремоделланиш кўрсаткичларини даво негизиди динамикаси

Даволаш негизида фиброз жараёнлари жадаллигини ифодаловчи ММПТИ-1ни камайишини ТМҚО кўрсаткичларига таъсири баҳоланди: бунда систолик СЮЕ мавжуд беморларда статистик ахамиятли ўзгариш кузатилмади, бироқ диастолик СЮЕ мавжуд беморларда ЧҚ нинг эрта диастолик тўлиши (Е) II - III ФС да мос равишда $0,47 \pm 0,02$ дан $0,55 \pm 0,03$ га; $0,44 \pm 0,02$ дан $0,53 \pm 0,02$ га ошганлиги, ЧҚ нинг кечки диастолик тўлиши (А) эса мос равишда $0,71 \pm 0,03$ дан $0,65 \pm 0,02$ га, $0,76 \pm 0,03$ дан $0,67 \pm 0,03$ га камайганлиги, Е/А нисбати II - III ФС да мос равишда $0,66 \pm 0,09$ дан $0,84 \pm 0,04$ га; $0,57 \pm 0,09$ дан $0,79 \pm 0,07$ га ошганлиги, ЧҚ изовольюмик бўшашиш вақти (IVRT) ни 11-15% га, эрта диастолик тўлиши секинлашиши вақти (DT) ни 8 - 11% га камайганлиги аниқланди ва бу бизнинг фикримизча, миокардда фиброз жадаллиги пасайиши ҳисобига ЧҚ бўшашиш хусусиятини яхшиланганлигини аниқлатади.

Даволаш негизида ҳар иккала гуруҳдаги беморларнинг клиник ҳолати, ҳаёт сифати, жисмоний юкламаларга чидамлилиги ошиши кузатилди. Беморларнинг клиник ҳолати (В.Ю.Мареев бўйича, 2000) ни баҳолаш шкаласи систолик СЮЕда 5,9 дан 4,56 балл (22%) га, диастолик СЮЕда 4,86 дан 3,48 балл (29%) га камайди ($p < 0,05$). Беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиб, Миннесот сўровномаси бўйича, систолик СЮЕда 48,9 дан 32,7 балл (34%) га, диастолик СЮЕда 46,02 дан 25,1 балл (46%) га камайди. Беморларнинг жисмоний юкламаларга чидамлилиги 6 дақиқалик юриш синамаси натижасига кўра аниқланиб, систолик СЮЕ да 284,6 дан 355,1 метр (25%) га диастолик СЮЕ да 298,4 дан 366,9 метр (23%) га ишонarli ошди.

Даволашдан сўнг систолик СЮЕ мавжуд беморларнинг 7 нафари СЮЕ III ФСдан II ФСга, 6 нафар беморлар СЮЕ II ФСдан I ФСга, диастолик СЮЕ мавжуд беморларнинг 8 нафари СЮЕ III ФСдан II ФСга, 11 нафар беморлар СЮЕ II ФСдан I ФСга ўтиб, ижобий ўзгарди (5 - расм).



5 – расм. Даво негизида СЮЕ ФС динамикаси

Кузатувимиз СЮЕнинг ҳар иккала фенотиплари юзага келиши ва ривожланиб бориши нейрогуморал омилларнинг фаоллиги билан боғлиқлигини кўрсатди. Унинг патогенезида нафақат нейрогуморал омиллар, балки фиброз жараёнлари ҳам муҳим ўрин тутиши, фиброз маркерлари

ҳисобланган, экстрацеллюляр матриксада ортиқча коллагенлар тўпланиб боришига сабаб бўлувчи ММПТИ -1ни миқдорий кўрсаткичи СЮЕнинг ФС ошиб боришига ҳамоҳанглиги, организмдаги ортиқча коллагенларни парчаловчи ММП -1ни СЮЕнинг юқори ФСда ММПТИ -1га тескари равишда паст бўлиши, уларнинг ўзаро мувозанатини бузилганлигини ифодаловчи ММП-1/ММПТИ-1 нисбати хар иккала гуруҳда пасайганлиги ортиқча коллагенларнинг парчаланиши камайганлиги ва унинг синтези эса ошганлигини англатиб, фиброз жараёнларининг жадаллигини кўрсатади ва бу ҳолат диастолик СЮЕда яққол кузга ташланди. ММП -1 ва ММПТИ -1 нейрогуморал омиллар – альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6 ва α – УНО ва юрак ремоделланиш кўрсаткичлари билан корреляцион боғлиқлик даражаси СЮЕ ФС ошиб боришига ҳамоҳанг равишда юқори бўлиши аниқланди ва уларни касалликни авж олиб боришида муҳим ўрин тутиши маълум бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, СЮЕнинг юзага келиши ва авж олиб боришини патогенетик механизми асосида нейрогуморал омиллар, жумладан РААТ, САТ, яллиғланиш олди цитокинларининг ўта фаоллашиши билан бир қаторда улар таъсирида ривожланган фиброз жараёнлари ётади. Миокардда ривожланган фиброз туфайли экстрацеллюляр матрикс оксиллари ҳисобига кардиомиоцитларни ўзаро электрик муносабати бузилиб, капилярлар сони камайиши ҳисобига кислород диффузияси ёмонлашади. Оқибатда тўқималарда гипоксия кучайиб, қоринчалар қисқариши (систола) ва бўшашиши (диастола) бузилишига, систолик ва диастолик СЮЕда юрак камераларини турлича ремоделланишига олиб келади. СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотипларида фиброз жараёнлари сифат ҳамда миқдорий жиҳатдан бир биридан фарқ қилиб, патогенетик даво танланишида унга эътибор қаратилиши касалликни даволаш самарасини оширади. СЮЕ мавжуд беморларда РААТ фаоллигини АТII АТI–рецепторлари ва альдостерон рецепторлари орқали тўлиқ қамал қилиниши касалликнинг авж олиб боришини олдини олишда ва даволашда самарага эришишда долзарб ҳисобланади. Бироқ, клиник белгилари яққол ривожланган СЮЕ оғир ФС ларида кутилган самарага эришиш учун юқоридаги дори воситаларини узок муддат биргаликда қўлланилиши талаб этилади.

Шу ўринда, кузатувимизда бўлган СЮЕ мавжуд беморларга тельмисартан ва эплеренонни биргаликда буюрилиши хар иккала гуруҳда, айниқса диастолик СЮЕда ЧҚ ремоделланиши регрессияси, нейрогуморал омиллар, жумладан РААТ, яллиғланиш олди цитокинлари, фиброз маркерлари фаоллигини статистик аҳамиятли даражада пасайиши, беморлар клиник ҳолатини яхшиланиши, ҳаёт сифати ижобий ўзгариши олиб келиб, патогенетик ижобий самара берди.

Биз томондан тавсия этилган СЮЕни даволаш схемаси беморлар томонидан ижобий қабул қилинди ва у касалликни авж олиб бориши ҳамда ноҳуш оқибатлари юзага келишини олдини олади.

ХУЛОСА

«Сурункали юрак етишмовчилиги ривожланишида фиброз жараёнларининг ўрни ва унда даволашни мувофиқлаштириш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1.Систолик ва диастолик СЮЕ мавжуд беморларда қон зардобидаги фиброз маркерлари кўрсаткичлари турличалиги фарқланиб, диастолик СЮЕнинг II - III ФСда миокардиал фиброз жараёнлари яққол ривожланганлигини ифодаловчи маркерлардан ММП-1 миқдорий кўрсаткичини пасайиши ва ММПТИ-1ни кескин ошиши, ММП-1/ММПТИ-1 нисбатини камайиши исботланди;

2.Систолик ва диастолик СЮЕни кечиши ҳамда ривожланиб боришида нохуш асоратлар юзага келишида ММПТИ -1 хабарчи бўлиб, уни миқдорий кўрсаткичлари СЮЕнинг оғирлик даражасига мутаносиб равишда ошиб бориши, уни юрак ремоделланиши ва нейрогуморал омиллар, жумладан альдостерон, ИЛ-1, ИЛ-6, α - ЎНО билан ўзаро яқин боғлиқлиги маълум бўлди;

3.Систолик ва диастолик СЮЕнинг II - III функционал синфларида қон зардобидаги альдостерон миқдори ФС ошиб боришига монанд юқори бўлиши, касалликнинг авж олиб боришида яллиғланиш олди цитокинлари ҳамда фиброз маркерлари билан биргаликдаги иштироки баҳоланди;

4.СЮЕнинг систолик ва диастолик фенотипларини даволашда тельмисартан ва эплеренонни биргаликда қўлланилиши экстрацеллюляр матриксдаги ортиқча коллагенларни парчаловчи - ММП - 1 миқдорий кўрсаткичини 47 – 68% га оширди, ММПТИ – 1ни 10 – 27% га, альдостерон, ИЛ - 1, ИЛ - 6, α - ЎНО миқдорларини эса ишонarli камайтирди;

5. СЮЕ мавжуд беморларни даволашда тельмисартан ва эплеренонни биргаликда қўлланилиши юрак ремоделланиши регрессияси ва диастолик СЮЕ мавжуд беморларда ЧҚ миокардининг диастолик бўшашиш жараёнларини яхшилади ва ТМҚО кўрсаткичларини ижобий динамикаси билан номoён бўлди;

6. Диастолик СЮЕ мавжуд беморларни даволашда тельмисартан кунига 80 – 160 мг ва эплеренонни кунига 50 мгдан биргаликда қўлланилиши миокардиал фиброз жараёнлари жадаллигини пасайтиради, беморларнинг клиник ҳолати ва ҳаёт сифати яхшиланиши ҳамда жисмоний юкламаларга чидамлилиги ошишига олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.26.04.2018.Tib.64.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫМ НАУЧНО – ПРАКТИЧЕСКОМ ЦЕНТРЕ
КАРДИОЛОГИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КУРБАНОВ АБДУКОДИР КЕНЖАЕВИЧ

**РОЛЬ ФИБРОЗНЫХ ПРОЦЕССОВ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ
СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ И ПУТИ ОПТИМИЗАЦИИ ЕЁ
ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.3.PhD/Tib338

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный консультант:	Гадаев Абдигаффор Гадаевич, доктор медицинских наук, профессор
Официальные оппоненты:	Тулабаева Гавхар Миракбаровна, доктор медицинских наук, профессор Кенжаев Мажид Латипович, доктор медицинских наук
Ведущая организация:	Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 г. в «___» часов на заседании научного совета DSc.26.04.2018.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно – практическом центре кардиологии. (Адрес: 100052, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Осиё, д.4. Тел./Факс: (+99871) 2373157, e-mail: Info@cardiocenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно – практического центре кардиологии. (зарегистрирована №___). Адрес: 100052, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Осиё, д.4. Тел/факс: (99871) 2373157.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 г.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 года).

Р.Д.Курбанов

Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, академик

Г.А.Хамидуллаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

А.Б.Шек

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день хроническая сердечная недостаточность (ХСН) считается не только медицинской, но и социальной проблемой, являясь ведущей причиной смертности и инвалидизации среди населения. Несмотря на достигнутые успехи в исследовании патогенеза и течения данного патологического процесса и применение в практике препаратов доказанной эффективности, сердечная недостаточность прогрессируя, приводит к неблагоприятным осложнениям и остается одной из самых актуальных проблем современной медицины. «В развитых странах мира ХСН составляет 1-3% от общего населения. Данный показатель меняется соответственно возрасту, связан со средней продолжительностью жизни пациента и к 70 годам достигает 20%¹». Все это определяет востребованность изучения и поиска новых методов ранней диагностики, эффективного лечения и профилактики ХСН.

В настоящее время во всех странах мира проводится ряд целенаправленных научных исследований по ранней диагностике, лечению и профилактике ХСН. В связи с этим, изучение процессов, развивающихся ещё до начала клинического проявления ХСН, это нарушение баланса в нейрогуморальной системе, ранняя диагностика систолической и диастолической дисфункции миокарда, как предиктора определения тяжести заболевания, а также разработка дифференцированного лечения играет важную роль в исследованиях по данному направлению. В действительности, исследование малоизученного в настоящее время взаимного влияния процессов фиброза у больных ХСН с диастолической дисфункцией с нейрогуморальными факторами, замедление фибро - пролиферативных процессов, которые приводят к ухудшению течения заболевания, разработка мероприятий по обеспечению улучшения качества жизни у больных с ХСН остается одним из важных направлений изучения данной проблемы.

За годы независимости в нашей стране приняты масштабные целевые меры по улучшению качества медицинских услуг, оказываемых населению, особенно по ранней диагностике, дифференцированному лечению и профилактике сердечно – сосудистой заболеваний. Несмотря на достигнутое в области медицины и в соответствии со “Стратегиями действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” на 2017-2021 годы по пяти приоритетным направлениям, важными задачами были определены повышение качества оказания медицинских и медико – социальных услуг больным сердечно – сосудистой патологией, пропаганда здорового образа

¹Агеев Ф. Т. Современная концепция диастолической сердечной недостаточности // Кардиоваскулярная терапия и Профилактика. – 2010. – Том 9, №7. – С. 96-104.

жизни среди населения, укрепление материально – технической базы медицинских учреждений, дальнейшее реформирование первичного звена здравоохранения и скорой медицинской помощи а также укрепление здоровья семьи²”. Исходя из этого, на сегодняшний день важное значение имеет проведение научных исследований по изучению механизмов процессов фиброза, разработка методов эффективного лечения направленных на уменьшение активности патогенетических факторов у больных с диастолической ХСН.

